



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-
сиёсий газетаси

№ 111 (9.149)

1998 йил

21 сентябрь, душанба

Сотувда эркин нархда

Қуриш

ИШЛАР БАРОРИДАН КЕЛМОҚДА

Сайилгоҳ кўчасидан юрдингизми? Агар эътибор берган бўлсангиз кўчанинг ҳамма томони текис, ораста. Кенг кўчада ётқизилган турли шаклдаги бетон гишларнинг нуқсонсиз терилганини кўриб кўз қувонади. Бу ерда меҳнат қилаётган «Тоштрансмаҳсукурлиш» трестининг 2-қурилиш бошқармаси ишчилари йўлқаларга ҳам бетон гиштини теришда давом этишмоқда.

— Мустақиллигимизнинг етти йиллиги арафасида белгиланган 900 квадрат метрли майдонга бетон гишларни ётқизиш чикдик, — дейди биз билан суҳбатда бригадир Ботир Жалилов. — Бу гишлар «1-Темир бетон заводи» акциядрлик жамиятида тайёрланади. Синков ҳамюртларимизнинг кўпчилиги иш жараёнида нима сабабдан бу гишдан кенг фойдаланаётганимиз ҳақида сўрашди. Даставвал ўзимиз ҳам билмасдик. Суриштириб кўрган эдик, бу экологик жиҳатдан

инсонлар саломатлигига жуда фойдали экан. Ёзда устига сув сеписла асфальтга ўқшаб ноҳус ҳид тарқатмай, аксинча ўз танасига шимиб, атрофга салқинлик узатар экан. Шунинг учун ҳам айни вақтда Сайилгоҳ катта кўчасининг ён-атрофларидаги ва шаҳримиздаги йўлқаларни асфальт-бетон гишлар билан қайта таъмирляяпмиз. Ишларимизнинг бароридан келишида иш юритувчи Александр Паходин, участка бошлиғи Абдували Хайдаров, бригадир Шукрулло Рихситиллаевларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Биз илк-иссиқ кунларда режадаги ишларимизни тезроқ тугаллашга ҳаракат қилаяпмиз.

Гулнора ДАМИНОВА.

ШАРҚ ШИРИНЛИКЛАРИ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида икки йилдан буюн фаолият кўрсатаётган «Қандолат Руста» масъулияти чекланган жамияти қандолатчилари элимиз дастурхонини шарқона лаззатли ширинликлар билан таъминлаш йўлида тинмай ишланмоқда.

Корхонада бугунги кунга келиб 30 дан ортиқ маҳсулот турлари тайёрланмоқда. Айниқса, бу ерда ишлаб чиқарилаётган новот, пашмак, парвардаларнинг си-

фатидан харидорлар мамнун бўлишмоқда.

Яқинда ушбу корхонада фаолият кўрсата бошлаган Ўзбекистон — Америка қўшма корхонасига «Суфра» деб ном берилди. Корхонага Америкадан келтирилган замонавий технология ўрнатилган бўлиб, ишчилар уни тезда ўзлаштириб олишди. Ҳозир бу ерда мармелад, зефир, лимонли ва апельсинли ширинликлар тайёрланмоқда. Айниқса, бу маҳсулотларнинг чиройли, аҳоли эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда қадқоланиши унинг харидоригирлигини таъминламоқда.

— Маҳсулотларимизга бугун қизиқиш катта бўлмоқда, — дейди корхона таъминотчиси Юсуфжон Носиржонов, — албатта, бу ишчи-хизматчиларимизнинг сифат масаласига асосий эътиборни қаратаётганимиздир. Бош мақсадимиз эса нафақат пойтахтимиз, балки мамлакатимиз аҳолиси дастурхонини тотли маҳсулотлар билан таъминлаш ҳамда чет давлатларга ҳам шарқ ширинликларини экспорт қилишдир. Бунинг учун 80 нафардан ортиқ жамоаси аъзолари сидқидилдан меҳнат қилишмоқда.

Шарофат БАХРОМОВА.

Саноат

Президент Кубогини

ТОШКЕНТДА УЛКАН ТЕННИС БАЙРАМИ



Шанба кунги жуфтликлар ўртасида финал унрашуви бўлиб ўтди. Қизғин шундаки, унга якка беллашувлардан фарқли ўлароқ таянч сифатида олинган энг кучли жуфтликлардан бирортаси ҳам йўлланма ололмади. Яқиний беллашувда италиялик теннисчиларнинг Пескосолидо — Тилеман жуфтлиги Карлсен — Шалленгага 7/5, 4/6, 7/5 ҳисобида мағлуб этиб Президент Кубогини ҳалқаро мусобақаларнинг ғолиблари бўлишди.

КЕЧА

«Юнусов» теннис клубининг марказий кортига жуда кўплай иштирокчилар финал баҳсини томоша қилиш учун ташриф буюришди.

Хал қилувчи беллашувга чиққан уйинчилар ҳақиқатан ҳам жуда номдор ва бир-бирларига муносив эдилар: ҳа, Россиянинг тўрт қарра биринчи ракеткаси, ПТА тур уюштирган жаҳон чемпионатларида қатарасига уч марта қатнашиб, 1997 йилда финалга чиққан, 1997 йилда тўрт хил қопламали теннис кортларида якка беллашувларда финалда иштирок этган жаҳон буйича ягона спортчи, бу йилги ПТА тур мусобақаларида икки бор ғалаба қозongan Евгений Кафельников (рейтинг рақами — 10) ва Буюк Британиянинг энг кучли теннисчиси, ўтган йили Сидней ва Тошкентда ўтказилган мусобақалар ғолиби, бу йил жаҳоннинг иккинчи ракеткаси Патрик Рафтер, шунингдек, Пётр Корда (Чехия), Рихард Крайчек (Голландия), Карлос Мойя (Испания), Горан Иванович (Хорватия) каби энг кучли теннисчиларни енгган, ҳозирда 11 рейтинг рақамига эга Тим Хенменлар ғалабалари тўғрисида узоқ гапириш мумкин.

Уйин бошланишиданок шиддатли тус олди. Дастлабки учта геймда кетма-кет ҳисоб тенг — 40/40 бўлиб охири-оқибатда тўп оширганлар устун келиши ҳам майдонда бир-бирларига мос маҳоратли спортчилар беллашаётганидан

далолат берарди. Еттинчи геймда Кафельников рақиб тўп оширишини, сўнг ўзиникини ютиб, ҳисобни 5/3 га етказди. Бироқ Хенмен ўзини кўлга олиб совуққонлик билан қаторасига тўртта геймни ютиб, биринчи сетни 7/5 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди.

Иккинчи сетни ҳам Кафельников рақибни геймни ютишдан бошлади. Сўнг у 2/0, 3/1, 4/2, 4/3 ҳисобида олдинда борди. Бироқ Евгений Кафельникови сетда ўз тўп оширишини ютказган, Хенмен яна хотиржамлик билан очколар йига бошлади. У кетма-кет учта геймда устун келиб, иккинчи сетни 6/4 ҳисобида ўз фойдасига ақунлади ва Президент Кубогини мусобақаларнинг иккинчи марта ғолиби бўлди.

...Харбий оркестр садолари остида майдонга турнирда иштирок этган 18 мамлакат байроқларини кутарган миллий либосдаги қизлар кириб белишди.

— Мана, бешинчи марта Президент Кубогини мусобақалари ҳам ақунланди, — деди жумладан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирокчи ва меҳмонларни кутлар экан. — Унда жаҳондаги кучли теннисчиларнинг қатнашуви, улар иштирок этган бетақдор беллашувлар, нафақат Ўзбекистон, балки бошқа мамлакатлардаги миллионлаб спорт ишчи-

бозлари қалбига ёрқин из қолдирди десам янгилашмас керак. Бугун ниҳоятга етган турнир ўз олдига жаҳон теннис марказларидан бири бўлиш вазифасини кўйган Ўзбекистоннинг барча спорт ишқибозлари учун катта байрам бўлди. Биз Хенмен, Кафельников, Сафин, Пьолли, Эскуде, Россе, Пескосолидо, Браш каби кўплай аҳойиб спорт юлдузларининг уйинларини мириқиб томоша қилдик. Уларнинг кўпчилиги бизнинг мусобақаларимизда бир неча мартадан қатнашиб, ўзбек халқининг буюк дўстларига айланиб қолдилар.

Сўнг Президентимиз мусобақа ташкилотчилари, ижрочилари ва оммавий ахборот воситалари ходимларига ўз миннатдорчилигини билдирди.

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов турнир ғолиби Т. Хенмен ва финалчи Е. Кафельниковларга миллий зар чопон, дўппи, белбоғ кийгизиб, махсус Кубок ва қimmatбах соҳналарини топширган да уйингоҳ қарсақлардан ларзага келди. Шунингдек, Тим Хенмен ғолиб сифатида 66.400 АҚШ доллари ҳамда 170 очко, Кафельников эса 39.300 АҚШ доллари ва 123 очко соҳиблари бўлишди.

Президент Кубогини мусобақалари тўғрисидаги кўрсатувларнинг юздан ортиқ мамлакатларга узатилиши, жаҳон оммавий ахборот воситаларида ўз аксини топиши республикамиз спортининг жаҳон миқёсига чиқиб бораётганидан катта далолатдир.

Президент Кубогини мусобақаларининг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов, Бош вазир Уткир Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мусобақа ташкилий қўмитасининг раиси Исмоил Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари иштирок этдилар.

Дилшод ИСРОИЛОВ, СУРАТЛАРДА: Финал беллашуви ва ғолибларни тақдирлаш маросимларидан лавҳалар.

Рустам Шарипов олган суратлар.



**22-27 сентябрь кунлари пойтахтимиз Тошкентда мамлакатимизда илк бор Халқаро симфоник мусиқа фестивали бўлиб ўтади. Унда жаҳоннинг кўплай мамлакатларидан вакилларнинг иштирок этиши кўтилмоқда. Бу тадбирни ўтказишдан мақсад ўзбек композиторлик ижодиётини дунёга танитиш ва халқаро миқёс даражасига кўтаришдир. Ўтказила-
жақ анжуман ҳақида Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси раисининг ўринбосари, Тошкент Давлат консерваторияси бастакорлиқ фа-**

дунёга танитиш бизнинг асосий мақсадимиз.

— Анжуманга қайси мамлакатлардан меҳмонлар ташриф буюрадилар?

— Америка, Европа ва Осиёнинг 20 га яқин давлатларидан етук санъат намоянадалари таклиф этилган.

— Ўзбекистонлик санъаткорлар ҳам анжуманда қатнашадиларми?

— Албатта. М. Бурханов, И. Акбаров, Р. Абдуллаев, М. Махмудов, Х. Раҳимов каби кўплай композиторлар, шунингдек, Ўзбекистон Миллий симфоник оркестри, Ўзбекистон телерадиокорпорация-

сининг камер оркестри, «Сўғдиёна» халқ чолғулари камер оркестри, Тош-

Воқеа арафасида

ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ

культети мудир, доцент Аваз Мансуров билан суҳбатлашдик.

— Аваз ака, фестивалнинг ўтказилиши ҳақида гапириб берсангиз.

— Давлатимиз қўлга киритган мустақиллик шарофати билан ҳаётимизнинг барча соҳалари қатори профессионал композиторлик ижодиётига эътибор ошди. Шу сабабли юртимизда симфоник ва камер мусиқа санъатига бағишланган биринчи йирик халқаро анжуман ўтказиш имконияти туғилди. Илгари бундай тадбирлар Самарканд симпозиуми номи билан аънавий мусиқа ва замонавий мусиқа ижодиёти масалаларига бағишланган ҳолда ўтар эди. Ҳозир эса имкониятлар кенгайиб, аънавий мусиқа алоҳида «Шарқ тароналари» фестивали сифатида ўтган йили бўлиб ўтди. Профессонал композиторлик ижодиётига бағишлаб эса эртадан бошлаб 25 сентябргача халқаро симфоник мусиқа фестивали давом этади. Бу дегани, мусиқа санъатининг мазкур икки соҳасини бири-бирдан ажратиб юбордик деган хулоса эмас. Аксинча, композиторлик ижоди аънавий мусиқа билан чамбарчас боғлиқ.

— Бугунги кундаги композиторлик ижодиёти ҳақида нима дей оласиз?

— Ўзбек композиторлик ижодиётининг пайдо бўлганига ҳали бир аср ҳам бўлгани йўқ. Шунга қарамай, у катта йўлни босиб ўтишга улғурди ва ҳозирги кунда ўз юксак даражасига эришган. Уни

кент Давлат консерваторияси қўшидаги мусиқа теат-студиясининг симфоник оркестри ва хори, «Еш истеъдодлар» камер оркестри лицейи жамоалари иштирок этадилар.

— Анжуман дастури билан таништирсангиз...

— Фестивалда симфоник ва камер асарлардан тузилган концертлар бўлиб ўтади. Уларда турли мамлакат композиторлари асарлари ўзбек мусиқий жамоалари томонидан ижро этилади. Концертлар «Туркестон» маданият саройи ҳамда консерваториянинг катта ва кичик залида бўлади. 26 сентябрь кунги меҳмонлар Самарқандга борадилар.

— Фестиваль муносабати билан қандай ишлар амалга оширилди?

— Меҳмонлар билан таништурувчи тўлан, буклет, афиша, таклифномалар чикарилди. Бундан ташқари меҳмонларни қутиб олиш, мулоқотда бўлиш каби масалаларда бастакорлар уюшмаси Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети билан ҳамкорликда иш олиб боришди.

— Анжумани ўтказишда яна қайси ташкилотлар жалб этилди?

— Нуфузли анжуманга Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Республика «Маянавия» ва «Марифат» жамоатчилик маркази жалб этилган. Барча санъат шинавандаларини концертларимизга таклиф этамиз.

Ойдин АБДУЛЛАЕВА суҳбатлашди.



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқанд илмий-таъмирлаш устaxonасининг қўли гул усталари Шохизинда мажмуини таъмирлашга киришдилар.

● «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ва «Полкан» (Болгария) авиакомпаниялари ўртасида меморандум имзоланди. Унга қўра Тошкент — София йўналиши бўйлаб янги рейслар қатнай бошлади.

● Ўзбекистон-Италия ҳамкорлигида ўтказилаётган «Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўзари геокитисоди ва геосийсий таъсири» мавзусидаги тўрт кун давом этган халқаро конференция ақунланди.

● Республика матбуотида Ўзбекистон Республикасининг «Автомобиль транспорти тўғрисида»ги, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунларини амалга киритиш ҳақидаги Олий Мажлисининг қарорлари эълон қилинди.

● Ўзбекистон Бадий академиясида Япониянинг таълиқли тадқиқотчи олим, мусавир, Токио университетининг профессори Икуо Хираямага академиянинг хорижий аъзоси дипломини топшириш маросими бўлди.

● Республика таълим марказида Ойла йилига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда республикамиз вилоятларидан, узоқ хориждан ташриф буюрган меҳмонлар иштирок этишди.

● «Қорақалпоқбун» агробирлашмаси номига Испания пойтахти Мадрид шаҳридаги Халқаро сифат қўмитасидан хушхабар келди. Унда айтилишича, бирлашманинг хорижа жўнатган бун йилдизи сифати жиҳатидан жаҳондаги 136 мамлакат орасида энг юқори баҳоланиб, «Платина юлдузи»га лойиқ деб топилган.

● Шу йилнинг 21-26 сентябрыда республикамизда Корея маданияти кунлари ўтказилди.

● Бугундан 26 сентябрга қадар Чирчикда НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида АҚШнинг Атлантика қўмондонлиги ва Марказий Осиё батальони қўшинлари иштирокида йилнинг энг асосий ҳарбий машғулотлари бўлиб ўтади. Бундай тадбирни ўтказишдан мақсад минтақавий ҳамкорлиқни ва НАТО билан ҳарбий машғулотлардаги иштирокчи давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва ҳаракатларни янада яхшилашга қаратилган. Машғулотларда АҚШ, Россия, Туркия, Озарбайжон, Грузия, Ўзбекистон, Қозғоғистон ва Қирғизистондан 700 нафарга яқин аскар иштирок этиши кўтилмоқда. Машғулотлар асосан уч фазада ўтказилади. Дастлабки икки фаза Чирчикда бўлса, учинчи фаза 26 сентябрдан 28 сентябргача Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида бўлиб ўтади.

● Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Факуллода ва Мухтор элчиси доктор Мамдуд Шавқий Тошкент Давлат юридик институтининг энг яхши талабаларига рағбатлантирувчи мукофотларни топширди.

ЖАҲОНДА

● Бугун БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида «Олти қўшув икки» қўрғинидаги ташқи ишлар вазирларининг учрашуви бўлади. У БМТ Бош қотиби Кофи Аннанинг ташаббуси билан ўтказилмоқда. Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон, Хитой, Покистон, Эрон ва АҚШ ҳамда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

● Иқтисодий ● Ижтимоий соҳа ● Маданият

Россиянинг ташқи сиёсат маҳкамаларининг раҳбарлари Афғонистон теварағидаги ва унга қўшни олти давлат теварағидаги вазиятни муҳофиза қиладилар.

● «Толибон» ҳаракати раҳбарияти БМТ Бош қотиби Кофи Аннан номига мактуб йўллаб, толиблар ва Эрон ҳукумати ўртасида музокаралар олиб боришга ёрдам беришини сўради. Бу ҳақда БМТнинг Эрондаги ваколатхонаси матбуот хизмати хабар қилди.

● Туркменистон Президенти мамлакат мудофаа вазири ва қатор олий тоифадаги зобитларни эгаллаб турган лавозимларидан бўшатди. Уларнинг айримлари ҳарбий унвонларидан ҳам жудо бўлишди. Ушбу қарор яқинда амалга оширилган террорчилик ҳаракатини текшириш натижасида қабул қилинди.

● Россия — Украина музокаралари яқунларига қўра Россия ва Украина Президентлари Борис Елцин ва Леонид Кучма ўз ҳукуматлари яқин вақт ичидан имкнрогга қарши Россия — Украина гуруҳини ташкил этиш вазифасини топширди.

● Россия Бош вазири Евгений Примаков ҳукумат бошлиғи сифатида ўзининг дастлабки матбуот конференциясини ўтказди.

● Норвегия ҳукумати Мурманск вилоятига зудлик билан ёрдам кўрсатиш мақсадида тўрт миллион крон ажратди.

● Албания Бош вазири Фатос Нано муҳолифат етакчиси Сали Беришини хибсга олишга қарши эkanлигини билдирди.

● Канаданинг Икалуит шаҳрида вазирликлар даражасида Арктика қўғашининг сессияси ўз ишини бошлади. Ушбу анжуманда мазкур кенгашга аъзо мамлакатлар — Дания, Исландия, Канада, Норвегия, АҚШ, Финляндия, Швеция ва Россия вакиллари иштирок этмоқда.

● Испаниянинг Сан-Себастьян шаҳрида халқаро кинофестиваль бошланди. Кинофестиваль иштирокчилари ва меҳмонлар ўн кун давомида турли мамлакатларда суратга туширилган 200 га яқин асарни томоша қиладилар.

● Ўтган жума кунги Туркменистонда автобуснинг тепловоз билан тўқнашиш кетиши оқибатида 40 киши ҳалок бўлди.

● Ироқ парламентининг фавкуллода мажлисида БМТ Бағдодга нисбатан иқтисодий ҳазо чораларини бекор қилмас, Ироқ аслахоналарини текшираётган БМТ махсус комиссияси билан барча алоқаларни узиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Депутатлар бу таклиф учун бир овоздан розилик билдирдилар.

● АҚШ Эрон билан «ҳукуматларо мулоқот қилишга тайёр» ва ана шу мамлакат билан муносабатларни яхшилашдан манфаатдордир, деди АҚШ Давлат қотиби Мадлен Олбрайт.

● Покистон ҳукумати Афғонистон билан ўз чегараларини номаълум муддатга ёпиб қўйди. 2200 километрлик бутун чегара бўйлаб қўшимча назорат ўтказиш пунктлари жорий қилинмоқда.

ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚКАТИГА!

Алоқа ишчи-хизматлари таъмирлаш бўйича берадиги ишларнинг амалга оширилиши муносабати билан 1998 йилнинг 21 сентябрыдан 29 сентябргача Носир қўчасидан 22, 23, 33-уйларда, 1-бўйи бери Носир қўчасидан 6, 7, 15, 25, 33-а, 37, 39-уйларда, Зарбоғ, 2-Оқунбобоев, Бешинор қўчаларида, 1-Д. Қўнғор тор қўчаси, Минглар, Конституция қўчаларида истиқомат қўлуви 54/55-АТС абонентларида вақтинчалик алоқа бўлмади.

1998 йилнинг 21 сентябрыдан 29 сентябргача Қўша Ўзбекистон қўчаси, Ўриқордаги 1, 1-а, 3, 49-уйларда, Бобур қўчасидан 1, 6, 8, 10, 15, 17-уйларда, 2-йилдазор тор қўчасидан 3-уйда, Обувчи қўчасидан 19, 21-уйларда, 1-Жўлдазор тор қўчасидан 5, 5-а уйларда, Бақодир қўчасидан 18, 20, 22, 24, 26-уйларда истиқомат қўлуви 53-АТС абонентларида алоқа бўлмади.

Очик турдаги «Toshkent shahar telefon tarmog'i» ақшадорлик жамияти.

Мулкдор... Кейинги аср мобайнида бу сўзнинг луғавий маъноси ҳам, ижтимоий маъноси ҳам бир неча бор ўзгарди.

Бозор иқтисодиётидаги янгиликлар ва мулкдорлар синфининг пайдо бўлишидан ҳосил этилажак самара шундан иборатки, бу жараён бойликлар йиғишга бўлган одамлар руҳиятини, меҳнатнинг пировард натижаларидан моддий манфаатдорлик ва мулк соҳиби бўлишга интилиш тизимини тамомила ўзгартириб юборади.

Президентимиз ўз асарларида таъкидлаганидек, ҳар бир инсон, ҳар бир оила айрим-айрим ҳолда бой бўлган, тадбиркорлар — мулкдорлар синфи пайдо бўлиши билан ўзини намоён этган тақдирдагина жамият ҳам бой бўлиши мумкин.

Бу жараёни амалга ошириш ва тезлаштириш ҳамда уни реал амалий натижага айлантириш учун кўплаб норматив ва қонуний актилари жорий қилиш, илгарилари баён этилган мавқеаларга янгича ёндашиш, устувор йўналишлар ва маблағларни ишлатиш масаласига янгича маъно кашф этиш, барча диққат-эътиборни бозор муносабатларини бошқаришда иқтисодий усулларга қаратиш талаб этилади.

Ҳамма гап шундаки, хусусий тадбиркорлик, бозорни ва мулкдорлар синфини қарор топтиришнинг замири бўлган,

Муносабат

ТАЯНЧ НУҚТАСИ

таянч нуқтаси ҳисобланган, кичик ва ўрта тадбиркорлик тузилмалари кўпқулд-ли иқтисодиёт тизимида ҳали ўзини тўлиқча намоён этолмапти. Нафслам-рини олганда, эндигина бозорга кириб келиб, у билан уйғунашишга ҳаракат қилмоқда.

Жамиятнинг иқтисодий муносабатлари тизимида хусусий мулкчилик ва мулкдорлар синфининг қарор топиши таъкидлий муаммолар билан бир қаторда бозор иқтисодиёти ва унинг тузилмаларини бошқаришнинг назария ва амалиётини ҳам муҳим масалаларни олдинга сурмоқда.

Ишлаб қаришнинг хусусий секторига қарашли янги корхоналарни рўйхатдан ўтказиш чоғида дастлабки бўғин сифатида корхоналарнинг моҳиятини аниқлаш муаммосини ҳал қилиш лозим. «Корхоналар тўғрисида»ги қонун корхоналар фаолиятини рўйхатдан ўтказишда уларнинг ҳуқуқий мустақиллигини биринчи ўринга қўяр экан, янги ташкил этилаётган корхона иқтисодий жиҳатдан бозорга киришга тайёри, деган савол билан қизиқди.

Бозор иқтисодиёти қарор топган мамлакатларда биринчи навбатда янги корхона ўз ишлаб қариш ҳаражатларини қоплаш оладини, бозордаги нархлар билан муомалада фойда келтира оладими, деган масалалар қизиқтиради. Яъни, янги ташкил этилаётган корхоналарнинг фаолият доирасининг дастлабки иқтисодий ҳисоб-китоб бўйича имкониятлари текшириб қўрилади.

Демак, бу ҳол бизда, ҳозирги кунда мулкчиликнинг тегшли шакллари ва корхоналарни ташкил этишнинг шакллари у ёки бу жиҳатдан керакли суръатларда тараққий эттириш учун иқтисодий мақбуллик даражаси керакли даражага кўтарилган.

Мулкчилик шаклидан қатъий назар корхоналарнинг бозор муносабатларига ўтиш чоғида иқтисодий имкониятларнинг ўзига хос эксперт минимумини барпо этувчи илгор мамлакатларнинг бозор иқтисодиётини бизнинг заминимизга олиб кириш пайти келди.

Президентимиз Исро Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 26 февралдаги «Исҳохотлардаги изчиллик — инсон манфаатларини таъминлаш омили» мавзuida қилган маърузасида янги корхоналарни ташкил қилиш пайтида қўрилаётган чоралар етарли самара бераётганлиги хусусида тўхталиб шундай

деган эдилар: «Корхоналарни ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш жараёни расмийлаштириш учун, ниҳоятда сусткашлик билан амалга оширилмоқда... Корхоналар ўз мулкчилик шаклини ўзгартирди, аммо уларнинг фаолиятида кескин ва сезиларли ўзгаришлар сезилмапти».

Яна бир корхоналарнинг хусусий мулкчиликка ўтиши билан чамбарчас боғланиб кетадиган масала — Ўзбекистон иқтисодиёти тузилмалари ва таркибини такомиллаштиришдир. Президентимиз Исро Каримов халқ ҳўжалиги ва иқтисодиёт тизимини янада такомиллаштириш масаласини иқтисодий ўсиш динамикаси, бозор муносабатларини такомиллаштириш, корхоналаримизда ҳўжалик юртишда даромад ва фойдани ошириш билан узвий боғлиқ ҳолда ҳал этиш масаласини ўртага қўймоқдалар.

Иқтисодиёт тизимини оптималлаштириш-иқтисодий мустақиллик ва Ўзбекистон суверенитетини таъминлаш, унинг жаҳон ҳамжамиятига киришдаги бош йўли бўлиши билан биргаликда мулкдорлар-тадбиркорлар синфини шакллантиришнинг муҳим моддий замиридир.

Мазкур масаланинг гоёси шундан иборатки, республикадаги мавжуд ресурслар ва талаб-эҳтиёжларни ҳисобга олмай туриб амалга оширилган аввалги умумийтаффоқ ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш таомили асосида республика ҳудудида ташкил этилган ва ҳозирда ҳам ишлаётган корхоналар билан имкони борича тезроқ «орани очик қилиб олиш» лозим. Зероки, бунда корхоналарнинг аксарияти ҳозирги кунда оғир аҳволда қолган. Бу нараса, айниқса, бозор ҳўжалик фаолиятига ва иқтисодий эркинликлар тизимида янги талаблар қўйётган бир пайтда айниқса кўзга яққол ташланмоқда.

Шу аснода мазкур корхоналар иқтисодиёт ва бозорни ислох қилишнинг умумий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, республика эҳтиёжини инобатга олган ҳолда ўз ишлаб чиқаришларини қайта ташкил этишлари ёки уларни истисқосиз корхоналар сифатида ёпиш керак, деган фикр тўғрисида. Мазкур жараён катта ҳажмдаги инвестиция маблағларини ва капитал маблағларини (шу жумладан хорижий) талаб қилиши билан биргаликда бу масала билан боғлиқ кўплаб бошқа муаммоларни ҳам ечимни талаб этади. Зероки мазкур жараён меҳнатга лаёқатли аҳоли манфаатлари билан боғлиқ бўлиб, уларни ишга жойлаштириш масаласи ҳам келиб чиқади. Бундан ташқари республикада тугалланмаган технологик циклга эга бўлган катта миқдордаги ишлаб чиқариш қувватлари мавжудлигини инобатга оладиган бўлсак, бу ҳам катта маблағларни ва кўплаб ресурсларни талаб қилади, чунки фақат шу йўл билангина иқтисодий ўсиш учун қўшимча имконият яратувчи қувватларни ишга тушириш мумкин бўлади.

Юқорида баён этилганлардан давлат иқтисодий сиёсатининг энг асосий йўналишларидан бўлган бозор муносабатларини қарор топтириш ва янги мулкдорлар синфини шакллантириш бир қунлик аҳамиятга эга бўлмай, балки у халқ ҳўжалиги муаммоларининг барча қирраларини ва амалга оширилаётган ислохотларнинг барча вазифаларини ўзига жамлаган. Бу иш комплекс равишда ёндашишни ва бу тизимдаги умумий чоратбадилардан устувор йўналишларини белгилаб олишни тақозо этади.

Баҳодир КАЛОНОВ,
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети профессори.



Бугун пойтахтимиз Тошкентда қад ростлаётган гўзал иморатларни кўриб уларда қурувчилар меҳнати муҳасам бўлганининг гувоҳи бўласиз. Айниқса замонавий ва шарқона ҳўналари ўзида муҳасамлаштирган турар жой бинолари Ойла йилида кўплаб хонадон соҳибларини ҳўшнуд этмоқда. Юнусобод туманидаги турар жой бинолари қурилишида пойтахтимиздаги 2-ўй-жой қуриш комбинатида қарашли 60-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари фаолият кўрсатишмоқда.

СУРАТДА: пайвандчилар Мирвоҳид Усмонов ҳамда Дадаҳон Мирзахоновлар ўз вазифаларини ҳамиша яхши қайфият билан бажарадилар.

Кейинги пайтларда маънавий-маърифий жабҳаларда иқтидорли ёшларни тарбиялаш борасида ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. Хўсусан, кейинги йиллар мобайнида мамлакатимиз ёшларидан бир гуруҳининг жаҳондаги юксак ривож топган олий ўқув юртилари ва бошқа таълим соҳасида таҳсил қўлаётганини энг аввало келажакимиз таянчи бўлиб қолади. Бу ўринда республикамиз олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қилаётган ишлари таҳсинга сазовордир. Вазирлик нафақат талабаларни хорижда ўқитишни, балки республикамиз таълим тизимини ривожлантиришда халқаро ташкилотлар билан кенг ҳамкорликни ҳам йўлга қўйган. Вазирлигининг бугунги кунда ҳамкорлик соҳасида олиб бораётган ишлари хўсусида биз олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг халқаро алоқалар бўлими бошлиғи ўринбосари Зоир Тошматов билан сўхбатлашдик.

— Зоиржон ака, ҳаммамизга маълумки, республикамиз иқтисодига эришгандан кейин таълим соҳасида кўпгина хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар билан алоқалар йўлга қўйилган ва шу пайтгача бу борада кўплаб ишлар қилинган. Айтинчи, мана шу йўналишда

вазирликда 1998 йилда қандай ишлар амалга оширилди?

— Республикамиз Олий Маҳлисининг IX сессиясида қабул қилинган Қадрлар тайёрлаш миллий дастури олий мактабни ислох қилиш жараёнида бир қатор вазифаларни қўйган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги таълим алоқалар бош бошқармаси республикамизда фаолият қўрсатаётган халқаро таълим ташкилотлари ва хорижий мамлакат-

олий ўқув юртилари талабалари, балки ҳўнар-қасб коллежлари ва академик лицей ўқувчиларининг ҳам фойдаланишлари учун инглиз ва немис тилларида махсус методологик қўланмалар тайёрлаш ва чоп этиш юзасидан музокаралар олиб борилмоқда. Американинг СОРОС жамғармаси 1997-98 йилларда республикамиз олий ўқув юртилари учун 40 минг АҚШ доллари қийматида тенг бўлган дарсликларни гуманитар ёрдам сифатида вазирлигимизга тақдим эт-

Биз ва жаҳон

ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК

ларнинг ваколатхоналари билан биргаликда, жуда кўп ишларни амалга оширмоқда. Бошқарманинг таълим ва тил ўргатиш бўйича Американинг ҳамкорлик ташкилоти (Акселс), Халқаро Таълимотлар ва Алмасиш Кенгаши, (Айрекс) Тинчлик корпуси, Англиянинг Британия кенгаши, Германиянинг академик алмасишувлар хизмати, Гёте институты, Европа ҳамжамиятининг ТАСИС ва ТЕМПУС дастурулари ҳамда кўплаб халқаро ташкилотлар ва жамғармалар билан амалга оширган ҳамкорлиги жиддий эътиборга моликдир. Британия кенгаши ва Германиянинг академик алмасишувлар хизмати ташкилотлари раҳбарлари билан ўзаро ҳамкорликда нафақат

ди. Ушбу дарсликлар республикамиз университет ва институтларида ўқув жараёнида фойдаланиш учун тарқатилди.

— Сиз юқорида вазирлигининг халқаро алоқалари хўсусида амалга ошираётган ишлари ҳақида айтиб ўтдингиз. Вазирлик халқаро ташкилотлар билан ҳам алоқаларни йўлга қўйган бўлса керак. Шўлар ҳақида ҳам айтиб ўтсангиз.

— Халқаро ташкилотлар, жамғармалар, элчионалар билан олиб борилган ишлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Жумладан, Тошкент Давлат шарқшунослик институтига Япониянинг Мицубиси фирмаси 21 минг

286 АҚШ доллари қийматидаги дарсликлар ва ўқув қўланмаларни тақдим этди. Япониянинг Ўзбекистондаги элчионаси институтнинг 12 талабасига 7 минг 200 АҚШ доллари миқдорига стипендия ажратди. Бундан ташқари, Корея Республикасининг Халқаро Коика ташкилоти шу ўқув юртига умумий қиймати юз минг АҚШ доллариға яқин бўлган кичик босмахонани тақдим этди. 1998 йилда республикада ўз фаолиятини бошлаган «Устоз» жамғармасига тараққий этган мамлакатлардаги 130 нафар нуфузли ўқув юртилари ҳақида тўлиқ маълумот тақдим этилди. Мазкур жамғарма орқали хорижий давлатларга қасб-ҳўнар коллежлари ва академик лицейлар ўқитувчилари юборилмоқда.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва халқ таълими вазирлиги тизимларини ислох қилиш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳалар ҳам ўз ишини бошлади. Беш нафар устувор йўналишлар бўйича ишлаш учун 16 таъдқиқотчи аниқланди ва Европа иттифоқи томонидан бир ярим миллион ЕКЮ миқдорига маблағ ажратилди.

Хўлоса қилиб айтганда вазирлигимиз, олий ва ўрта махсус ўқув юртилари билан биргаликда ва ҳамкорликда мамлакатимизда амалга оширилаётган тўб ислохотларни янада мустахкамлаш ва ривожлантиришга, жамиятимиз учун жаҳон андозаларига мос келадиган юқори маалаки мутахассислар тайёрлаш борасида кўпгина муҳим ишларни амалга оширмоқда.


Отабек ДАВРОНБЕКОВ
сўхбатлашди.



Бектемир туманида жойлашган «Сувмаш» ҳиссадорлик жамияти меҳнат аҳли сифатли маҳсулотлар яратиш йўлида сидқидилдан ишлашмоқда.

СУРАТЛАРДА: 20 йилдан бўён токарлик касбида ишлаб, ҳўрмат-эътибор қозонган Шавкат Мингайиев ўз вазифасини бажариш йўлида тинмай ишлаб; корхона маҳсулотлари.

Рустам Шарипов олган суратлар.



МЕҲРИГИЁ

«Кайсики, оилада илму урфон, нихолларига парваршиш кучли бўлса, ушбу оила боғи сира завоф қўрмаса, мевадарида эл-улус кўпроқ баҳра олур. Билим заминидан қучқудат олувчи хонадон бўстонида ҳаммаи файз бариқа гуллари очилиб, бахту саодат бўлбулларининг ҳўшхон навоси инграб тургай...»

Қадимийлик нафаси уфуриб турган ушбу парчадаги ибратли фикрлар абадул-абад эскирмаслиги шўбҳасиз. Акмал Иқромов туманидаги Отаҳон Ҳўшим кўчасида яшовчи Азиза Исомиддинова хонадони мисолида ушбу ҳақиқатларнинг қарра исботланиши мумкин десак, сира янгилишмаган бўламиз.

Ушбу оиладагилар ўз шажараларини яхши билишади. Зеро, уларнинг аجدодлари ҳам илм-фан, маданият, санъатга алоҳида меҳр қўйган кишилар бўлишган. Туртинчи катта авлод вақиллари шоира Увайсий сўхбатидан баҳра олишган, унинг авлод эса Фитрат, Ҳўлпон, Теша Ҳўхидов каби шоиру олимлар ижодий доирасида муносиб иштирокчилик қилишган. Иккинчи авлод ҳам Эркин Вохидов, Ҳўтим Ҳўшимов, Абдулла Орипов каби замонамизнинг пешқадам ижодкорлари билан дўст, даврандош. Бинобарин, оилада фарзандлар тарбияси ҳам шу анъаналар натижасида шаклланди. Бу катталарга иззат-ҳўрмат тўғрисида ҳўсил қилиш билан бир қаторда мустақил фикрлаш, ўзлигини муайян томонлардан намоён этиш учун шарт-шароитлар ҳам яратган.

Ойла бошлиғи Азиза ая олий маълумотли педагог. 1933 йилдан бошлаб ўқитувчилик қилган. Халқ

маорифи аълоҳиси, қатор нишонларга сазовор муаллим. Кўп йиллар давомида ёш авлодга ўзбек тили ва адабиёти фанидан сабоқ берган. Она фарзандларига уч-тўрт ёшданок ҳарф ўқитиш, шакллар ажратиш, сўзларни тўғри талаффуз этиш машқлари орқали таълим беришга ўрганган. Эҳтимол, шу боис улар мактабни олтин, қумуш медал, олий ўқув юртиларини имтиёзли диплом билан тугаллашган. Ҳўзирда келечилар ҳам Азиза аянинг болаликлари 3—4 ёшдан сабоқлар бериш одатини давом эттиришапти.

батта. Хонадон Аброр Ҳидоятлов номли маҳалладаги энг намунали оилалардан ҳисобланиши, эл орасида катта обрў-эътиборга эгаллиги ҳам бежиз эмас.

Маҳалладаги, шу ҳудудда жойлашган 106-мактабдаги тадбирлар Азиза ая хонадон аъзоларининг иштирокисиз ўтмайди. Омонилло ака ҳам университетда дарс беришга қарамай, шу мактабдаги битта синфни оталиққа олган, уларга ўзбек тили ва адабиётини сабоқлар беради. Зеро, илму фан зиёсидан хонадони обод, умри ёруғ

катлар экилган, кўпгина меваги ва манзарали дарахтлар соя-салқин ташлаб турган ҳўлидаги файз кўнглинигизга ором бахш этади. Бу уйда Мирпўлатовлар оиласи истиқомат қилади.

Мирақбар ака турмуш ўртоғи Назира опа билан 8 ўғил, 3 қизни тарбиялаб, вояга етказишди. Ҳўзирда фарзандларнинг барчаси оилали, уйли-жойли бўлиб турмуш кечирмоқда. 8 келин ва 3 кўёв тақдирлари уланган хонадонда 28 нафар невага улғаймоқда.

Мирақбар ака олий маълумотли тарихчи-педагог. Кўп йиллардан бери халқ таълими соҳасида унумли фаолият қўрсатиб келмоқда. Ҳўзирда эса ҳўнар-техника лицей директори. Қараҳон она — Назира ая эса фарзандлари неваралар тарбияси билан банд. Улар ўғил-қизларни билимли, бой маънавий дўнғага эга кишилар қилиб вояга етказишда меҳнатсевар бўлишларига алоҳида эътибор беришади. Томорқада ва хонадондаги иссиқхонада турли сабзавот, полиз экинлари бевосита хонадон аъзоларининг баҳамжиҳат меҳнати билан етиштирилади. Шўнингдек, бу оилада бодорчилик билан ҳам шўғулланилади. Турли қасб эгалари сифатида фаолият қўрсатиши билан бир қаторда оила аъзолари ҳаммаи биргаликда тер тўкиб, ҳўсил етиштириш учун ишлашга ёшлқдан ўрганишган.

Зеро, ўзаро бирдамлик, баҳамжиҳатлик, аҳиллик тотувлик нишонасидир. Тотувлик бор жойда эса қут-барака сира аримайди, турмуш янада гўзал, ширин бўлиб бораверади. Мирпўлатовлар хонадонидан бирон муаммо юзга келса, бамаслаҳат ҳал қилинади. Бунда Назира

аянинг хизматлари катта, албатта.

Фарзандларнинг, келин-куёвларнинг бир-бирлари билан аҳил-иноқ яшашида, оқила, тажрибали уй бекаси Назира аянинг қимматли йўл-йўриқлари, ўғитлари муҳим аҳамиятга эга. Мирақбар ака ҳам кўпни қўрган, маърифатли инсон сифатида ҳаммаи каттага ҳўрмат, қичқика иззат, меҳр-қўйибат масалаларига алоҳида диққат билан қарайди. Маҳалладаги оилавий, моҳароли масалаларни ҳал этишда ҳам отахоннинг маслаҳатлари доимо асқотди.

Мирпўлат ака ва Назира ая 11 та қўда-аунда, келин-куёвлар билан муомалани ҳам ўрнига қўйишмоқда. «Қудалик — минг йилчилик» деган гапга айнан Мирпўлатовлар ёркин мисолдир. Зеро бу хонадондан норизо одамнинг ўзи йўқ. Қудаликнинг меҳру оқибати шу даражагача етганини, ҳатто бир хонадондан 2 қизни келин қилиб олишган.

Ойла бошлиғи Мирақбар аянинг йўлидан бораётган икки фарзанд ва уч келин ҳам халқ таълими соҳасида меҳнат қилишмоқда. Қўлган фарзандлар, келин-куёвлар турли жабҳаларда ишлаб, эл-юрт равнақи, халқ фаровонлиги учун муносиб ҳисса қўйишапти.

Ҳамма маҳалласида истиқомат қилувчи ушбу хонадон аъзоларининг ҳам бўлиб йўналишлари бамисоли тўйга айланиб кетади. Чўнки, уларнинг барчаси санъатсевар, қўй-қўйиш чинавандалари. Айниқса, келин Маъмура Мирпўлатованинг чалган кўйларини, айтган қўйларини ҳаммаи ҳўсив тинглашади. Аҳиллик, бирдамлик, тотувлик меҳнатда ҳам, ҳўрдик чиқаришда ҳам, тўй-маъракаларда ҳам доимо улар билан бирга.

Маъмура РўЗИЕВА.

Танлов ҳўмийси —  фирмаси.

Ҳадислар тўплаш, айниқса, VIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб фойтада тарқайди. Ҳадис илми билан шугулланиш энг фахрли машғулот даражасига етган. Манбаларда келтирилишича, саккизинчи асрнинг ўрталаридан ўн биринчи асрнинг ўрталаригача ҳадис илми билан Шарқнинг турли томонларида юзлаб муҳаддислар шугулланган. Бутун ислом дунёсида энг нуфузли манбалар деб тан олинган олтита ишончли ҳадислар тўпламининг («Ас-сахих ас-ситта») муаллифлари ҳам маъна шу асрда яшаб ижод қилганлар. Ҳаммага маълум улар орасида «Ҳадис илмида амир ал-мўминин», «Имом ул-Мухаддасин» («Барча муҳаддисларнинг пешвоси») деган шарафли номга сазовор бўлган. Имом ал-Бухорий алоҳида эътиборга молик алломадир.

Унинг тўлиқ номи Абу Абдуллоҳ Муҳаммад бин Иброҳим бин Муғайра бин Бардизбаҳ ал-Жуфий ал-Бухорий бўлиб, 194 хижрийда (8-йил, 10 июль) Бухоронинг Ҳартанг қишлоғида таваллуд топган. Унинг Жуфийга нисбат берилиши бу боисданки, катта бобоси Муғайра Яман Жуфий Бухорода ҳукм юргизган Яман Жуфий улуғзодаларидан эди ва у орқали бу ерларга ислом кириб келгани маълум. Муғайранинг отаси Бардизбаҳ (деҳқон маъносиди). У ҳақда Хатиб ал-Бағдодий (2-жилд, 6—11-бетлар), Ибн Халлиқон (4—19), Сабикий (2—212), Заҳабий (2-555), Ибн Ҳажар ал-Асқалоний (4-жилд, 4—41-бетлар), Бухорий Мунир Дамашкийнинг муқаддимасида (2-бет) маълумот бор. Ушбу манбаларда Бардизбаҳ исми қуйдаги шаклларда ҳам учрайди: Яздизбаҳ ва бошқалар.

Бардизбаҳ ал-Жуфий зардуштий бўлиб, исломни қабул қилмай оламдан ўтган (Хатиб ал-Бағдодий мазкур асар: Ибн Имом, 2—131). Бу ўринда шуни айтиш жоизки, Ёқут ҳамавийнинг Бардизбаҳ Бухоро ҳокими томонидан мусулмонлиқни қабул қилган дегани илмий ҳато ҳисобланади. Мўтабар ровийлардан бўлиши отасидан эрта етим қолади. Онасининг қўлида тарбия топади.

Ешлик пайтида кўриш қобилияти заифлашади, лекин онасининг дуоси би-

лан яна кўра бошлайди. (Хатиб Бағдодий, 210, Сафдий, 2—207). Нақл қилишлари учун сафарлардан қайтишдан аввал Хуросонда яна бир бор кўз орғига муртало бўлган. Номаълум табиб докторлар билан уни даволаган (Сафдий, 2-208). Бухорий жуда кучли хотирага эга бўлган. 16 ёшида ибн Муборак (вафоти 182 хижрий) ва Воқеъ бин Жарроҳ (вафоти 197 хижрий) китобларини ёд олган. Уша йили онаси ва акаси Аҳмад билан ҳаж сафарига боради ва ҳадисни ўрганиш мақсадида ҳижозда қолади.

Бухорий ўша даврларда муҳаддислар-

га киради (Ибн Ҳажар ал-Асқалоний, 491-бет). Зухлий ва асари мутақаллимлар Кўрбон лафзининг азалийлиги ҳақида таълимотта эргашардилар. Бухорий эса Кўрбон лафзининг яратилганлиги ақидаси тарафдори бўлганлиги сабабли у диндан чиққанликда айбланади. Унинг мажлисларда иштирок этиши таъкидланади. У ноилж Нисопурда Бухорога йўл олади. Имом ал-Бухорийнинг Муслим ва Аҳмад бин Масламадан бошқа барча шогирдлари ундан узоқлашадилар. (Хатиб ал-Бағдодий, 2—30—32).

Бухорога қайтар экан шаҳардан бир

Имом ал-Бухорийнинг 1225 йилги тўққизинчи олампидан

МАНБАЛАРДА АЛПОМА ҲАЁТИ

га хос одатга кўра ҳадис излаб сафарларда бўлди. Хуросоннинг шаҳарлари Жабал, Ирок, Миср, Шом, Ҳижозда таълиқи устозлардан ҳадисни ўрганди. У Басрада бўлганида 16 кунда 15 мингдан зиёд ҳадисни ёд олган (Ибн Аби Аъли, 1—276). Икки марта Шом, Миср, Жазирга борди, тўрт марта Басрага сафар қилди. Олти йил Ҳижозда яшади. Куфа, Бағдодга ҳам кўп марта сафарлар қилди. Ривоятларга қараганда юз мингга яқин ҳадисни иснод билан ва яна икки юз минг ҳадисни ёд олган (Ибн Аби Яъли, 1-275). Унинг айтишига кўра мингдан кўп шайх ҳадис жамлаган (Сафдий, 2—207), Ибн Имом (2—134).

Суннат аҳли наздида Бухорий қадрли шахсдир. Ҳадис илми уламолари унинг фазилатлари ҳақида кўп гапирганлар. Баъзи уламоларнинг айтишига кўра, ҳадис бобида Бухорийдан донорор қимса бўлмаган. Муслим: «Мен бу каби кучли қимса жаҳонда йўқ деб шаходат бераман», — деб келтиради (Ибн Имом, 2—134).

Имом ал-Бухорий «Саҳийх»ни тўплагандан сўнг Бухорога қайтади. Шаҳарлардан ўтиб борар экан халқ уни жуда савимий қарши олади. Нисопурда (Нисопур) уни тўрт минг суворий чиқиб, катта тантана билан кутиб олгани маълум. У бир қанча пайт Нисопурда бўлиб, ҳадис илмий мажлисларини ўтказди. Шу боисдан бўлса керак муҳаддис аҳлидан бўлмиш ва Бухорийнинг устози аталмиш Муҳаммад бин Яхъё Зухлий унга ҳасад қиладди. Бухорий билан душманлик йўли-

фарсах узоқликда унга бир қодир тутиб, дам олиш учун тўхтади.

Шаҳар аҳли шошиб, унга пешвоз чиқди. Унга беадад дирхаму-динорлар тақдим этадилар. Бухорода бир муддат бўлиб, ҳадис илми мажлисларини ташкил қиладди. Ўша даврда Бухоро ҳокими бўлмиш Халид бин Аҳмад Зухлий унинг мажлислари овозасини эшитиб, Бухорийни ўз қасрига таклиф қиладди, илмий мажлис ўтказишни сўрайди. Бухорий таклифни рад этади ва масжидга ёки ўз уйига боришни айтиди. Албатта, ҳокимга бу гап хуш келмайдди (Хатиб ал-Бағдодий, 2—33). Бошқа ривоятда айтилишича, ҳоким ундан фарзандлари учун алоҳида мажлис қуришни сўраган, лекин Бухорий барчага баробар бўлмай қоламан деб бош тортган (ўша ерда). Мунир Дамашкий асарининг муқаддимасида бошқа сабаблар бўлиши эҳтимоли ҳам айтилади. Булардан ташқари Бухорода Хурайс бин аби ал-Варақа ҳам унга мухолиф бўлган қимсалардан эрди. У бошлиқ гуруҳ Бухорийнинг мазаҳи хусусида уйдирмалар тарқата берган, охири Бухорийни сургун қилдилар (Хатиб ал-Бағдодий, 2—33).

Самарқанд аҳли унга мактуб йўллаб ўз шаҳарларига таклиф қилганлар. Бухорий таклифни қабул қилиб, йўлга отланади. Самарқанддан икки фарсах масофада жойлашган она қишлоғига етган, қавму қариндошлар ёнида тўхтади. Бир муддат ўтгач 256-йил хижрийда фитр байрами пайшанбага ўтар кечаси вафот этади ва ўша ерда дафн этилади. (Хатиб ал-Бағдодий 2—34, Ёқут Ҳамавий, 1—121.

Сафдий, 2—208, Ибн Халлиқон, 4—190, Сабикий, 2-232, Имом, 2-135).

Бухорий турли шаҳарларда бўлганида кўплаб шайхлар ва уламолардан ҳадис жамлаган. Унинг зикр этилишича устозлари сони мингдан ортиқ бўлган (Ибн Имом, 2—134). Устозлари орасида қуйдагилар бўлишган: Муҳаммад бин Салом ва Муҳаммад бин Юсуф Бихандий, Маккий бин Иброҳим Яхъё бин Башир аз-Зохид али бин Жасан бин Шафқ, Садақа бин Фазл, Муҳаммад бин Исо ат-Таббоб.

Бухорий ўздан катта ва кичик ёҳуд тенгдошларидан ҳадис илми бобидаги ривоятлар ва иснодни ёзиб олган. Шунинг учун унинг устозларини беш шартли табақага бўлиш мумкин.

Бухорий шиа имомларидан ҳам восита ёки воситасиз нақллар келтирган ва ўзининг «Саҳийх» китобида Имом Алидан 29 ҳадис ворид этган ва шунингдек Имом Ҳасана, Имом Боқирлардан ҳам баъзи ривоятларни келтирган. (Ҳасаний, 124 бет. Нажмий, 1—125, ал-Бокр).

Кўплаб муҳаддислар турли шаҳарларда Бухорийдан ҳадислар эшитиб, ёзиб олганлар. Улардан энг биринчилари абу Зарра ва Абу Хотамлардир.

Ҳадис тўпламларини жамлаган муҳаддислардан бўлиши ат-Термизий, Муслим ва кўплаб бошқа ҳадис уламолари ундан ҳадислар келтирганлар (Сафдий, 2—207). Имом ал-Бухорийдан мингга яқин муҳаддислар ҳадис эшитганлар (Ибн Халлиқон, 4—190).

Тадқиқотчиларнинг фикрича, Бухорийни суннатнинг тўрт мазаҳабларидан бирига мансуб бўлгани ёҳуд бошқа мазаҳабларнинг бирига эргашгани ҳақида маълумотлар йўқ. Эҳтимол у ўзига хос фикрий маслакка эга бўлган ва ўз раъйига ижтиҳод қилган.

Имом ал-Бухорий бизга бой, қимматли илмий мерос қолдирган. Унинг асарлари ҳақида тўпламга қиритилган ҳадислар фақатгина шариат аҳкомларига оид умумий қоидаларни акс эттириб қолмай, балки инсонларга хос барча ҳислат ва фазилатлар, ахлоқ, таълим-тарбия ва бошқа ўнлаб-юзлаб қадриятлар тарғиботига бағишланган. Бухорий маънавий меросида ҳозирги жаҳонимиз, айниқса ёш авлод учун катта тарбиявий-маърифий аҳамиятга эга йўл-йўриқлар, ўғитлар ўз ифодасини топган.

Махмудхўжа НУРИТДИНОВ,
Халқаро Ислам тарикат маркази
мудир, фалсафа фанлари доктори.



Пойтахтимизда буюк бобомиз Мирзо Улуғбекка ўрнатилган ҳайкал.

Рустам Шарипов олган сурат.

Театр



ЯНГИ МАВСУМ РЕЖАЛАРИ

Муқимий номидаги ўзбек Давлат муסיкий театри жамоаси ўзининг навбатдаги 60-юбилей мавсумини «Сойибхўжа» операциеси» спектакли билан очди.

Театр директори Абдушуккур Шомуротов билан бўлган суҳбатимиз театр мавсуми, унинг режалари хусусида бўлди.

— Мавсумнинг айнан «Сойибхўжа» операциеси» спектакли билан очилишининг боиси нима?

— Бу асар ўтган мавсумимизнинг энг охири янги сахна асари бўлиб, бутун умрини Муқимий театрига бағишлаган ажойиб кулги дарғаси, комик ва ҳажвий роллар устаси, Ўзбекистон халқ артисти, марҳум Сойиб Хўжаев хотирасига бағишланган. Қолаверса, «Сойибхўжа» операциеси» асари билан ёш муаллифи Санжарали Имомов драматургияга, сахна санъати оламга ташриф буюрди. Бинобарин, мазкур асар ёш драматургимизнинг дебюти, ilk асари ҳисобланади. Биз муаллифини қўллаб-қувватлаш, унга рағбат ва илҳом бағишлаш мақсадида ҳам мавсумни айнан ана шу спектакл билан очишга қарор қилдик.

— Ўтган мавсумнинг аҳамиятли жиҳатлари ва янги мавсум режалари хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Ўтган мавсумимизда ҳам муҳлисларимизни бир қатор янги асарлар билан хушнуд этдик. Муҳлисларимиз ва театр санъати мутахассислари бу асарларни жуда яхши қабул қилишди. Ўтган мавсумда амалга оширилган муҳим бир тадбир театримиз жамоаси учун ҳам жуда қувонарли бўлди. Театримизни нур ва иссиқлик билан таъминлаб турган бутун электр тармоқлари янгилади, электр билан боғлиқ барча ўсуқна ва жиҳозлар алмаштирилди. Театримиз нурга, зияга кўмилди, бу борадаги қийинчилик ва ташвишларимиз бартараф бўлди. Фурсатдан фойдаланиб, ана шу ишларни амалга оширишда бош-қош бўлган, бизнинг барча амалий таклиф ва ташаббусларимизни маъқуллаган Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлигидаги мутасадди ходимларга театримиз жамоаси номидан катта миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Янги мавсумда эса ҳар қачонгидан ҳам катта ишларни режалаштирганмиз. Бу мавсумда биз учун қадрли ва унутилмас бўладиган воқеа — театримизнинг 60 йиллик юбилейини муносиб нишонлашдир. Юбилейга тайёргарлик ишларини ҳозирданок бошлаб юборганмиз.

Сахнага қўйишни мўлжаллаган бир неча янги асарлар бор. Шунингдек, драматурглар Хайитмат Расул, Бобораҳим Омонов (Бобо Дарвеш), Санжарали Имомов театримизга янги асар ёзиб беришни ваъда қилишган. Бастакорлардан Фарҳод Олимов, Алишер Икромов билан ижодий ҳамкорлик қилиш ниятимиз бор. Бу борадаги ишларни ҳал этишда бизга Республика бастакорлар уюшмаси яқиндан ёрдам беради.

— Ватанимиз Мустақиллигининг 7 йиллиги муносабати билан ҳукумат унвонлари, мукофотларига сазовор бўлганлар орасида театр санъаткорлари ҳам бор...

— Ўтган йили жамоамиздан беш киши Ватанимизнинг фахрли унвонларига сазовор бўлиб бу воқеа ходимларимиз ўртасида катта шодийнага айланиб кетганди. Бу йил эса театримизнинг етакчи артистлари, катта истеъдод соҳиблари бўлиши Меҳри Бекчонова ва Одина Назруллаева «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвонига сазовор бўлдилар. Йўлбошимиз олиб бораётган сиёсатнинг энг қувончбахш томонларидан бири шундаки, ана шундай улуғ байрамлар арафасида бутун куч-ғайратини, салоҳиятини санъатга бахш этган фахрийларимиз четда қолаётгани йўқ. Бу сафар ҳам меҳнат фахрийларидан катта бир гуруҳи ҳукуматимизнинг фахрли унвон ва мукофотлари билан тақдирландилар. Ана шулар қатори бизнинг театримиз фахрийлари — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Анвар Юсупов ва Райхон Тўраева «Эл-юрт ҳурмати» орденига сазовор бўлдилар.

Театрнинг 60-юбилей мавсуми очилишига биз бутун жамоамиз ходимларини, фахрийларимизни таклиф этдик. Ҳукумат унвонлари, мукофотларига сазовор бўлганларни зални тўлдириб ўтирган томошабинлар кўз ўнгиде табриклаб, уларга кучок-кучок гуллар ҳадя этдик.

Суҳбатдош Моҳира КАРИМОВА.

Қадимда йил боши дунёга машҳур бўлган бирор ҳодиса ёки диёнатда мукаддас бўлган нарсадан бошланган экан. Масалан, масиҳийлар Исо алайҳиссаломнинг таваллуд топган йилидан йил боши деб ҳисоб қўйганлар. Ундан аввал эса, Нух Тўфони воқеаси йил боши ҳисобланиб келинган экан. Мен бу ҳақда Хикмат бобомдан кўп марта сўрашга жазм этардим, лекин ботинолмасдим.

Бир кунни бобомнинг ёру дўстлари бизникига ҳайит кўнларида ташриф буюришиб, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб, узоқ ўтириб қолишди. Дастурчилик қилиб, ош-овқатга хабардор бўлиб туриш бахти ўша кунни менга насиб қилганди. Нуроний отахонлар чойни иссиқ-иссиқ буюриб, ўзлари бобомга махтал ўтирар, мен эса бу фурсатни кўпдан кўтганим учун қўлдан чиқармаслик ниятида жоним халак эди...

Навбатдаги чойни янги-ҳам гарқ бўлиб, сув остида лаб келганимда, дастурхон четиданги нон увокларини бир жойга йигитуриб, бобом менинг ташқарига чиқишимни кутдилар. Меҳмонлар жамулжам бўлиб ўтирган дахлиздан чиқарканман атайин дахлиз эшигини очиб қолдириб, гўё ҳеч нима билмагандек чиқиб кетдим.

Бобом шундай сўз бошладилар:

— Бу воқеа Нух алайҳиссалом замонарида содир бўлган. Ўз қавмларини тўқ-қиз юзу эллик йил ҳидоятга даъват қилиб, қирқ нафар эр ва аёлдан бўлак бошқа ҳеч ким Ҳақ йўлга қирмагач Нух алайҳиссалом бир кун Оллоҳга ёлвориб: «Эй, Оллоҳ, ўзинг мени, ота-онами ҳонадонимга мўйин ҳолда қирган қишлардан ва барча мўйину, мусулмаларни мафхират қилгин», — деб мадад сўрайдилар.

Тўғри йўл сўраб, мурожаат қиларканлар шу пайт Нух алайҳиссаломга Оллоҳ таборака ва таолодан навбатдаги ваҳий келади:

— Бизнинг ҳифзу ҳимоямизда ваҳий таълимимиз билан бир кема ясагин. Бас, қачон бизнинг фармонимиз келиб, Ердан олов ўрнига фавворалар отилган вақтида ўша кемага жониворлардан бир жуфтдан ва аҳли оилангари олгин. Қайси қимсалар устиде бизнинг сўзимиз, яъни сувга гарқ бўлиши ҳақидаги ҳукмимиз ўтган бўлса, уларни тарқ қилгин. У золим қимсалар ҳақида менга ҳитоб, илтижо қилмагин. Улар шак-шубҳасиз гарқ қилингувчилардир. Нух фарзандлари Сом, Хом, Ефас ва Каньонлар билан биргаликда кема ксашга киришадилар.

Кема тайёр бўлиб, Ердан фавворалар отилган субҳидамда Нух ҳазратлари кемага ҳар жонивордан бир жуфтдан ва аҳли оиласини қўқаради. Ривоят мана шу ерда етганда, бобомнинг ёру дўстларидан бири бир пиёла чой узатди шекилли, ровий бироз тўхтаб қолдилар.

— Ҳўш, биродари азиз, кемадагилар ва Нух пайгамбарнинг кейинги тақдирларини қандай кечди? — деб сукунатни қўқорхўжа амаки бартараф қилди. Бобом яна сўзлашга чоғландилар.

— Шундан кейин қирқ кечаю, қирқ кунду ҳар бир томчи тегирмон тошидек катталиқда ёмғир ёғиб, дунёдаги энг баланд тоғлар

ҳам гарқ бўлиб, сув остида қолган экан.

«Нух тўфони» деб аталган бу ривоятда биз инсонлар учун яна шундай ибрат ҳам келтирилган. Ривоятда шундоқ келурки, кемада уч нарсаси йўқ экан. Бу уч нарсаси: мушук, сиқон, тўғиз дарё ичиде пайдо бўладилар. Ана шулар орасидаги сиқон пайдо бўлиб, кемага чикан пайдо бўлиб, кемага сув кира бошлайди. Ҳарчанд уринмасин-

лар кемадаги тешикни беркитиш ҳеч қимнинг қўлидан келмайди. Одамлар гарқ бўлиш ваҳимасидан қўқувга тушадилар. Шунда Нух пайгамбар: «Қимди қим тешикни беркитса, ҳар қандай тилак-истагини бажо келтираман» деб айтди. Бир пайт кеманинг ўртасида ётган илон тилга кириб: «Мен бу тешикни беркитаман. Ҳўш, менга нима берасан?» дейди. Нух алайҳиссалом сўрайдилар: «Ўзинг нима истайсан?» Илон яна деми: «Бу дунёда қайси мавжудотнинг гўшти энг лаззатли бўлса, ўшани менга риз қилиб бергайсан...» Нух алайҳиссалом бунга кўнади.

Илон тешикни топиб, униг устиде қулча бўлиб ётади. Кемага сув кириши аста-тўхтади. Кема ичидеги сувни ташқарига чиқариб ташлайдилар.

Буюк тўфон тиниб, кема қирғоққа чиққандан кейин илон Нух алайҳиссаломга берган ваъдасини эслатади. Нух алайҳиссалом: «Ҳамма мавжудотлар кемадан чиқиб, Ер юзига ёйилиб кетдилар, энди сенга гўштни қаердан топиб бераман?» — дедилар. Илон ўз хизмати эвазига мукофотни талаб қилавергач, Нух пайгамбаримиз чивинни чақириб, буюрадилар:

— Эй чивин, боргил, Ер юзидеги ҳамма мавжудотларниг гўштаридан татиб кўргил. Энг лаззатлисини билиб кел. Ўшани илонга берайлик, — деб чивинга вазифа юклайдилар. Чивин ҳукми адо этмоқ учун отланади. Унинг сафари узоққа чўзилиб, махтал ётган илонни бевозталантиради. Шунда Нух алайҳиссалом уятли бўлиб, чивинни топиб келиш учун қалдирғочни жўнатадилар. Қалдирғоч

зудлик билан чивинни топиб, ундан: «Нега бунча кеч қолдинг», — деб сўрайди. Чивин бўлса: «Ер юзи кенг, мавжудотлар кўп экан. Уни кезиб барча-мавжудотларнинг этини топиб қўришга кўп вақт керак бўлди. Шунинг учун кеч қолдим», — деб жавоб қиладди.

Қалдирғоч яна сўрайди: «Ҳўш, жами этларни татиб қўрдингми? Қайси эт энг лаззатли экан?»

Чивин: «Этлар орасида одам этидан лаззатлисини учратмадим», — дейди. Шунда қалдирғоч: «У этнинг лаззати ҳали озингдан бўлса керак... Озгингди оч, бир ҳидлайин» деб қалдирғочнинг оғзидан ҳидламоқчидай бўлиб, тумшуги билан униг тилини шарт узиб олади. Ўша кундан эътиборан чивин тилсиз бўлиб қолади.

Бир фурсат ўтиб икковлон Нух алайҳиссалом ҳузурига келадилар. Интизорлик билан кутиб турганлар, чивиндан сўз сўрайдилар. Аммо чивин фақат гингиллар эди, холос. Шунда илон қалдирғочдан сўрайди: «Ўзи нима гап? Қалдирғоч жавоб қиладди: «Мухтарам пайгамбар, мен билан гаплашганда чивин бу дунёда энг лаззатли эт — бу сув бақасининг эти», — деган эди. Сизнинг ҳузурингизга кеч қолгани учун айниқса, илондан қўрққани учун гапиролмаётим».

Бу сўзга рози бўлган илонга бака эти риз қилиб берилди. Агар қалдирғоч ўшанда бу улуғ яхшилиқни қилмаганда, биз одамлар илонга емиш бўлишимиз тайин экан. — Фалақнинг гардишини қаранг... Нух пайгамбар ер юзиде ҳаётни сақлаб қолган бўлсалар, қалдирғоч бани одамзотнинг илонга емиш бўлишидан ҳалос қилган эканда, — деб қўйди, — ўтирганлар орасиде Кўчқорхўжа амаки.

...Қалдирғоч... Бу қушни инсонлар алоҳида меҳр билан ардоқлаб, бўлакча эъзоз қиладилар. Унга уйлари-нинг туридан бошпана берадилар. Халқимиз қадимий ақидага кўра қалдирғоч қирган ҳонадонга хайру — баракка ёғилди, деб беҳиз айтмаган. Бу қушнинг ўзига озор етказиш эса увол ҳисобланган.

Келинлар, азиз ёру биродарлар, буюк ҳалоскоримиз бўлган қалдирғочга биз ҳаммиса бағримизни очайлик.

Фатхулло ХИКМАТОВ.

Н а з м

САХОВАТ

Саховат кўрсатиб,
шодумон яша,
Қалбингда қуёш у, чароғон яша.
Саховатинг қанча кўп
бўлса, билгил,
Дилингда шунчалар нур, шимон, яша.
Саховатни англа, Аллоҳ севадур,
Тағрига севилиб, эй инсон, яша.
Саховат ювадир гуноҳларни ҳам,
Карамини кўп қилу боқидом яша.
Саховат одамни бахтиёр этар,
Муродийнинг дили осмон яша.

КҲҲҲҲ

Баъзиларда кўнглинг кўчаси,
Қайларгадур бошлайди сени.
Тўғри йўлни топмасанг агар,
Кўларингни ёшлайди сени.
Айрим ишлар кўнглинг тубида,
Армон бўлиб қолмасин дейман.
Кейинчалик виждон азоби,
Ўз қаърига олмасин дейман.
Кўнглилар бор мисли қор мисол,
Эриб кетар хушомад сўздан.
Ҳаммага ҳам ишонма дўстим.
Эҳтиёт бўл мастона кўздан.
Орзуларинг сени гоҳида,
Парвоз этар тоғу тош ошиб,
Қайси гулни узиб олай деб,
Уйлаб қолар ҳаёлинг шошиб.
Кўнглинг сени интилсин доим,
Чорлагувчи илоҳий нурга.
Шунда умринг ўхшайди сени,
Порлаб турган жавоҳир-дурра.


НАСИҲАТ

Тонг билан кўнглингда ёнлсин исур,
Вужудингда ўйнар шунда бир хушур.
Диррим тонилари мурчалар зебо,
Ҳар саҳар туялман оламча гушур.
Тонг мадҳан битмакка
қаламим шайдур,
Кўшимда, сўзимда балқисай сурур.
Чехранда офтобнинг зарраси ўйнар,
Улаш, одамларга етсин ушбу нур.
Етдим Муродимга, Ватаним овоз,
Ҳар тонг истиқлолга
айтаман шуккур.
Тўхтамурод ФАЙЗУЛЛО.

ОЛМА

Мен билмадим нега ҳам,
Олмани олма дерлар?
Севмасанг ёр кўнглига,
Ғулула солма дерлар.
Кимгадур қулоқ солсам,
Менга бир сўз айтмади:
Олмани сен олабер,
Кўп ўйга толма дерлар.
Олма ўзи билсангиз,
Табиятининг неъматини.
Агар хор бўлар бўлса,
Шоҳидан юлма дерлар,
Олма бору, боғ гўзал,
Шундайин тақдир азал.
Олманинг гуноҳига,
Сен кейин қолма дерлар.
Ёдинда тут халқимизни,
Эски бир ҳикмати бор,
Севмаганга суйқамас,
Уятга қолма дерлар.
Олма бўлиб баҳона,
Аҳмадий ғазал ёзди.
Аҳдинга бўл вафодор,
Бевафол бўлма дерлар.

Хусан АҲМЕДОВ.



...Онаси Жаннатнинг «кет-майман» деб оёқ тираб олган бўлишига қарамай, уни ва невараларини Жаҳонгирнинг олдига солиб уйига жўнатди. Она эмасми, икки неварасининг тирик етим бўлишини истамасди. Бунинг устига куёви бутун айбига иқдор бўлиб, кўз ёши тўкиб, бош эгиб турибди. Жаннатнинг оёғига йиқилгудек бўлиб уэр сўради. «Эр бўлса шунчалик бўлар-да», деди она.

Жаннат ноилож Сардор билан Санжарни кийинтирди. Қолган кийим-бошларини бўхчага тугди. Онаси билан хайрлашар экан кўз ёши килди.

— Йўлама қизим, болаларингни ўйла. Инсон фарзанд кўргунча ўзи учун, фарзандли бўлганидан кейин эса фарзандлари учун яшаши кераклигини унутма. Шириндан ҳам шакар болаларингни ота меҳридан бенасиб етма. Калта ўйлама. Тўқликка шўхлик қилмаларинг болаларим, — деди онаизор.

Нигор хола куёвига ҳам анча насиҳат қилди. Набираларини бир-бир бағрига босди. Унинг ўргимчак түридек ажинлар ичра нурсиз кўринган кўзидан ёш оқди. Барибир юраги увишди.

— Жаннат, болам, Сардор билан Санжарни ташлаб кетақолинглар. Икки-уч кун туришсин, кейин олиб кетарсизлар, — деди она паршонлик билан.

Жаҳонгир унамади. «Уларни уйдагилар ҳам соғинишган, олиб кетмасам бўлмайди» деди. Улар шундоққина ўйла-

Қалайсиз энди, ойимча? ..

Эрининг устомонлиги унинг юрагини ханжар каби тиглади. Асаби таранглашди. Дунё кўзига жуда ҳам тор бўлиб кўринди.

— Сиз онамни унақа деб ўйламанг. Кўз ёши тўкиб, уэр сўраганингиз-чи? Азалдан онам эркакнинг кўз ёшига тоқталари йўқ. Ўзлари етимликда катта бўлганларини, ҳамон ота меҳрини кўмсашларини яхши биласиз. Шунанга дейишингизга ақлим етарди. Шунинг учун ҳам кетмайман деб туриб олгандим...

— Кетардинг, кетмаганда қаерга бормоқчи эдинг? — киноя қила бошлади Жаҳонгир. — Ёки бошқасини топиб улгурингизми-а!?

— Бас қилинг! Жонимга тегди кинояларингиз. Кўз очиб кўрганим, севиб етишганим сиз нима каромат кўрсатайсизки,

бошқаси заруримди менга...

Жаннат бу гапларни сўзлаганида ўз хаёли ўзида эмасди, нима деяётганини ҳам, ҳатто жондан азиз болалари аллақачон қўлидан чиқиб кетганини сезмаган ҳам эди. Ўғли Сардор «опа-опа» дея Жаннатнинг қўлидан, енгидан тортиди. «Жим тургин» деб бехтиёр уни силталаб ташлади. Сардор адасининг олдига келди. «Ада» деганини билади Жаҳонгир.

Турмуш чорраҳаларида

КИМ АЙБДОР?

гир ҳам уни жеркиб берди.

— Санжар йўлнинг ўртасида кетвотти, билдизми, — деди у йўлгашга шайланган лабларини чўчайтириб.

Бу сафар ҳам Сардорнинг гапини ҳеч ким эшитишни истамасди. Улар ҳамон жикқлашиб, тортишиб, бир-бирларини куракда турмайдиган гаплар билан ҳақоратлаб боришарди.

— Бўлди, етар ҳамонки, шундай экан, онамникига ҳам, сизнинг уйингизга ҳам бормайман. Иккала боламни оламан-да сувга ташлайман ўзимни. Шунда болалар ҳам, мен ҳам сизнинг зулмингиздан кутиламиз...

— Болаларни тинч қўй, — деди Жаҳонгир. — нима қилсанг ўзингни қил. Уларни менга қўйиб бер.

— Бекорларни айтмайсизми? Икки кундан сўнг бирини топиб оласиз. Қараб-

сизки ўғай она... Й-ў-қ, ўғай она қўлига ташлаб кетадиган аҳмоқ йўқ!

Унинг гапи чала қолди. Йўлнинг ўртасида кетаётган Санжарни ўқдек учиби келатган енгил машина чирпирак қилиб юборди... Қип-қизил қонга бўялган ўғлини титраётган қўларига олар экан: «Ниятингга етдинг...» деди Жаҳонгир Жаннатга кўзи қосасидан чиққудек бўлиб... Жаннат эрининг гапларини эшитмади. Боласининг ёнига етай деганда беҳуш йиқилди...

— Санжар, болажоним, кўзларингни оч, мен бадбахт, ношуд отангни! Бизни оғир мусибатга ташлаб кетма! Оч кўзларингни, оч Санжар, — Жаҳонгир телбалардек бесаранжом эди.

Қандайдир бир куч Санжарнинг майса киприқларини аста кўтарди. Жавдираб кўзларини очган Санжар нимадир деб пичирлади.

— Гапир ўғлим, нима деяпсан. — Ота ўғлининг пичирлаган оғзига қўлогини тутди. «Мен ўламанми?» деяётганини базўр эшитди.

— Йўқ, йўқ, сенинг ўлишингга йўл қўймайман ўғлим, ўлмайсан.

— Унда йўлланганг, — деди Санжар. Бу Санжарнинг сўнгги сўзи эди...

Эндигина уч баҳорни қаршилаган беғубор, беозор Санжар энди йўқ. Қўлиб турган чарос кўзлари энди юмук. Пирпираб турган муҳгонлари энди қимир этмайди. Унинг жажжи юраги ҳали яшашини бошламаёқ уришдан тўхтади. Қўлларига қоронғулик чўккан Жаннат ва Жаҳонгир бамисоли ҳайкал эдилар.

Насиба ХОЖИМУРОД қизи.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ — СИФАТ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириши янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мулкдорлар синфини шакллантиришга ўзининг катта хиссасини қўишии табиийдир. Сўнгги пайтларда соғлиқни сақлаш тизимида ҳам кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Янги ташкил топган ва хусусийлашган тиббиёт масканларида 13 мингдан ортиқ ходимлар фаолият олиб бормоқда. Мана шундай яқка тартибда шифокорлик билан шуғулланаётганлардан бири 2-Тошкент Давлат тиббиёт институтининг доценти Абдурахмон Хасановдир.

Тадбиркорлик

моқ, бурун касалликлари бўйича мутахассисман. Ёш болаларда, катталарда қулоқдан йирин оқиши, қулоқда шовқин пайдо бўлиши, эшитишнинг заифлашуви, бурун касалликлари, нафас олишнинг қийинлашуви, халқум касалликлари қабиларни жарроҳлик усулиси даволаймиз. Мана шунинг учун ҳам шифохонамизга келувчи касалларнинг кети узилаб бормоқда. Беморларнинг кўпайиши шифохонамизга янги талабларни қўймоқда. Касалларнинг кўпчилиги ётиб даволанишни илтимос қилмоқда. Лекин бизда бундай имкониятлар йўқ. Аммо бозор иқтисодиётига ўтганлигимиз, тадбиркорлики бошлаганимиз тўғрисида келиб чиқётган муаммоларни ҳам ҳал қилишга ҳаракат қилаёلمиз.

— Мана аста-секин давлат қорхоналари ҳам хусусийлашиб бормоқда. Сиз нима дейсиз, хусусий шифокорларнинг келажаги қандай бўлади?

— Келажаги албатта порлоқ. Давлатимиз раҳбари бу йўлни қўллаб-қувватлаётган эканлар келажақда хусусий тадбиркорларга янада кенг йўл очилди. Уларнинг бемалол ишлашларига шароитлар яратилди. Албатта кинда ким ҳалол ишласа тадбиркорлик ривожланаверади.

Шарофиддин ТўЛАГАНОВ сўхбатлашди.

табга чиқишга санокли кунлар қолгандагина юзаки текширувдан ўтказилиб, соғлом деб ёзиларди. Эндилкида бунга чек қўйилди, деса бўлади. Мана шундай махсус тиббий кўриқларни ҳар йили ўтказиш лозим деб ўйлайман.

● Муассар АБДУСАМОВА, марказнинг иккинчи маслаҳат бўлим бошлиғи:

— Мактабга чиқиш арафасида турган 6 ёшли ўғил-қизларни саломатлигининг қай даражада эканлигини аниқлаш мақсадида махсус комиссия тузилган. Унда педиатр, жарроҳ-ортопед, невропатолог, кўз шифокори, эндохринолог, қулоқ-бурун-омоқ аъзолари шифокорлари, тиш шифокори ва психоневрологлар болалар саломатлигини текширмоқдалар. Агарда улар орасидан бирортасининг касалликка чалинганлиги аниқланса уларга дарҳол ўз туманларидаги болалар поликлиникасида даволаниш учун йўлланма берилади. Бироқ туман поликлиникаларида даволочили мутахассис бўлмаслиги мумкин, шуни инобатга олиб 15 августдан бу ерда даволочили марказ очилди. Олти ёшли бола етти ёшга тўлгунга қадар саломатлигини тиклаб олади.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА



Сокин хиббон қўнида.

Қатралар

КУЛИБ ТУРИБ...

Қизим помидор ниҳолларини ўтдан тозалар экан: «Бунга қаранг, ада, печак гулми бу?» деб қолди.

— Худди ўзи, — дедим бориб кўргач. — Эсингда бор экан, ўтган йили экинсиз жойда печакгулнинг гуллаганини кўрувди. Хавасимиз келувчи чиройига. Юлма қизим. Ҳадемай шапалоқ бўлиб гуллайди. Тошоша қиламиз, деб эдим.

Иш билан алаҳсиб, қизимни билмадим-у, гулпечакни кечкиб кўрдим. Қизик, тушимми ё ўнгимми бу ҳол: у ёнидаги помидор палагини қўнчома қирмабдики, гулнинг оғзи қарнай. Хандон отиб қулгани-қулган.

— Кулиб туриб бечора помидорнинг жонини олибсан-да, — дедим унга. — Гулнинг чиройини тошоша қиламиз деб фағлатда қолибман. Атанг, ичинг қора экан!

КЕРАКСИЗ ЮК

Шафтолизорда шергим билан маза қилдик. Кетишимиз олдиндан қоровул амаки тўкилган шафтолилардан бир пақир тўлдириб олдимизга қўйди.

— Бола-чақангиз есин. Бу-

гундан қолса айнидир. Олакетинлар. Жамоа ҳўжалиги режасини аллақачон оширворганмиз, — дея ўз ҳолимизга қўймади.

— Олинг. Кўтариб кетамиз, — деди шергим.

Секин одилаймиз. Унинг тоши оғир. Югуриш мусобақасида маррага аранг етиб келган одамдек юрагим дукдук уриб хансирайди.

Мен дала одами — чиник-қанман. Унча-мунча юкни юк, йўлни йўл демайман. Фойдали юк — шафтолини уйга элтаман. У-чи, кераксиз юк — замбилдек қорини кўтариб азоб елди. Теким ҳаммолчилик! Бирров раҳмат дейишга ҳам оғзи бормайди.

КУЧЛИ ҚАНОТ

Олим дўстим-билан дала айланардим. У йўл-йўлақай одамлардан деҳқончилик, ер, ниҳол ҳақида эринмай сўрар ва ўзига маъқул гапларини ён дафтарига ёзиб қўярди. Деҳқонларни ўзидан устун қўйишга ажабланардим.

— Ўзингиз-ку қишлоқ ҳўжа илмини сув қилиб ичиб юборгансиз, — даладан қайтишда сўрадим ундан. Яна билмасликка олиб сўрайберганингиз нимаси?

Ғани АБДУЛЛАЕВ.

Нилхон

БОЛАНИНГ ТИЛИ ШИРИН

— Дада, дада, кўчада бир-бир нарсаси деб бақирвотти, пул беринг, бериб келаман, — деди ўғли дадасига.

— Мана ўн сўмини олиб бериб бермоқчи.

Бола қайтиб келгандан сўнг дадаси сўради:

— Нима гап экан? Нимага бақирибди?

— Сарабодроқ экан, ўн сўмга иккита берди.

— Дада, олиб келган ўйинчоғингиз яхши экан, яна иккита олиб келиб беринг, — деди Шавкатжон дадасига эр-каланиб.

— Нима қиласан шунча ўйинчоқни?

— Ўртоғимга сотаман.

— Ўртоқларингнинг ҳам дадаси олиб берад...

— Хо, сиз олиб келиб берганингизни сотсам пули мен-

га бўлади-да, — деди кулиб Шавкатжон.

— Мана ўн сўмини олиб бериб бермоқчи.

Бола қайтиб келгандан сўнг дадаси сўради:

— Нима гап экан? Нимага бақирибди?

— Сарабодроқ экан, ўн сўмга иккита берди.

— Дада, олиб келган ўйинчоғингиз яхши экан, яна иккита олиб келиб беринг, — деди Шавкатжон дадасига эр-каланиб.

— Нима қиласан шунча ўйинчоқни?

— Ўртоғимга сотаман.

— Ўртоқларингнинг ҳам дадаси олиб берад...

— Хо, сиз олиб келиб берганингизни сотсам пули мен-

дада Олим.

Физика дарсида ўқитувчи жисмларнинг солиштирма оғирлиги мавзусини тушунтириб бўлиб дарсни якунади. Болаларнинг тушуначисини си-наш учун ўқувчиларга савол берди:

— Бир килограмм тош оғирми — ёки бир килограмм пахта оғирми?

— Бир килограмм пахта оғир, — деди синфнинг энг шўх ўқувчиси Шокир.

— Нега пахта оғир бўлади, исботлаб бер...

— Тош кичкина, пахта катта, шунинг учун пахта оғир бўлади, — деди бепарвогина Шокир.

Хилолиддин ШАҲОБИДДИНОВ.

Бош муҳаррир ўринбосари Солиҳ ЁҚУБОВ

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ЙЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ат-Термизий кўчаси чорраҳасидаги Шохжон кўчасида иссиқлик трассасининг қайта ёт-қизирилиши зарурлиги сабабли, иситиш мавсумига тайёргарлик кўриш мақсадида, шу йил 22 сентябрдан 27 сентябргача барча турдаги транспортларнинг ҳаракат йўналиши ёпилади.

32, 77-сонли маршрут автобуслар ва 11-сонли маршрут толллейбус ҳаракати Муқимий кўчасидан У. Носир, Бобур кўчасигача ва кейин ўзининг йўналиши бўйича ташкил қилинади.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Қишки иситиш мавсумига тайёргарликни яқунлаш мақсадида иссиқ сув таъминотини ўчириш билан қуйидаги иссиқлик манбалари фаолияти тўхтатилади:

Шу йил 21 сентябрдан 27 сентябргача:

— ИМ-7 «Авиакўрувчилар» (Лисунов кўчасидаги Ғалабанинг 40-йиллиги т/ж мавзеси, Бирлашган, Слоним, Элбек, УЖҚҚ);

— ИМ-8 «Сергели» (Сергели туманидаги Сергели т/ж мавзеси);

— ТошИЭМ (У. Носир, Қушбеги, Бошлиқ кўчаларидаги т/ж мавзелари, Бобур, Нукус, Ш. Руставели, Лоҳутий, Афросиёб, Охунбоев кўчалари, шаҳар маркази туманидаги М-1, М-2, М-4, М-5).

Шу йил 5 октябрдан 11 октябргача:

— ТМ-9 — Янги Чилонзор (Чилонзорнинг 13—15 а, 21—25, 30, 31-мавзелари, Лутфий кўчасидаги, Изза, Уриқзор);

— ТМ-10 Шимолий-Фарбий (Ибн-Сино, Белтепа, Фаробий т/ж мавзелари, Талабалар шаҳарчаси, Тансиқбоев, Қорақамиш-2).

Ўзбекистон Бухгалтерлар ва Аудиторлар Ассоциацияси сизни ўқишга ва бухгалтерлик касбини эгаллашга таклиф қилади.

Ассоциация сиз учун қулай шартларда ҳар хил бланка маҳсулотларини, рисолаларни, китобларни, макетларни,

таклифномаларни Европа стандарти даражасида тайёрлаб беради.

Ассоциация аъзолари учун бухгалтерлик ҳисоботлари бўйича саволларга, солиқ бўйича, божхона муомалалари ва банк операциялари бўйича бепул маслаҳат берилади, кутубхонанинг ўқув хонасидан фойдаланиш мумкин.

Сизларни ўқув хоналаридан, компьютер синфларидан ва конференция ўтказиш хонасидан фойдаланишга таклиф этамиз.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳри, Нёзбек йўли кўчаси, 6 (Собик Уриқчий).
Тел: 34-01-87, 35-72-51.

ОЛДИНГИЗДА ИШГА ЖОЙЛАШИШ МУАММОСИ ТУРИБДИМИ?

Марҳамат, ёрдам беришимиз мумкин. Ҳамза тумани «Меҳнат биржаси» сизни 24 сентябрь соат 8.00 дан 14.00 гача «Шарқ юлдузи» клубининг ҳовлисида бўш иш жойлари ярмаркасини ўтказида.

Ишга жойлашмоқчи ва маълумот олишни хоҳловчилар бўлса, марҳамат, бизнинг ярмаркамизга ташриф буюринг.

Бизнинг манзил: «Дубовая бекати».

(15, 22, 23, 48, 49, 54, 72, 148, 119, 161-автобусларнинг «Дубовая бекати».

Маълумот учун тел: 96-45-71; 96-49-40.

Собир Раҳимов туманидаги масъулияти чекланган «ХОН-ҚОРБОҒЛИҚЛАР» жамияти

ТУГАТИЛАДИ
Эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Хитой фуқароси Йўлвос Турсун номига берилган 1564427 номерли йўқолган паспортни топган кишидан муқофот эвазига қайтаришни сўраймиз. Тел: 116-87-62.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Тошкент шаҳар ҳокими К. Н. Тўлагановга наоми

Нури ТўЛАГАНОВАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ
ОҚШОМИ
Toshkent oqshomi

Муассис:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар 133-28-95,
132-11-39,
факс (3712) 133-29-09.

Душанба, гурмашба
ва ҳуҷа
қунари тикиди.
Ҳафр қорасиқчи
209

Нашри етказиб бериш
масалалари бўйича турар
жойлардаги почта
бўлимларига ёки «Тош-
кент почтасига» 133-74-05
телефонга мурожаат
қилишингиз мумкин.